

Бобобеков Бахром Каххарович

Жиззах политехника институти тадқиқотчиси

**ТОВАР – МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ТАННАРХИ ТАРКИБИ ВА
УЛАРНИ КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИДА АКС
ЭТТИРИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги № 4611-сон қарорининг ижроси бўйича 2-сон “Захиралар” МҲХСлари ва 4-сон “Товар-моддий захиралар” БҲМСларидаги умумий қоидаларни солиштириш натижалари акс этирилади. Товар-моддий захиралар таннархининг таркиби, уларнинг шаклланиши, баҳоланиши баён қилинган.

Калит сўзлар: Захиралар, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, соф қиймати.

Бобобеков Бахром Каххарович

Научный сотрудник Джизакского политехнического института

**О СТРУКТУРЕ СТОИМОСТИ ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ
ЗАПАСОВ И ОСОБЕННОСТЯХ ИХ ОТРАЖЕНИЯ В ФИНАНСОВОЙ
ОТЧЕТНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ**

Аннотация: в статье будут отражены результаты сравнения общих правил Президента Республики Узбекистан по реализации Постановления № 4611 от 24 февраля 2020 года о "резервах" МҲХС № 2 и "товарно-материальных запасах" ВҲМС № 4. Состав затрат на описаны товарно-материальные запасы, их формирование, оценка.

Ключевые слова: резервы, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, чистый капитал.

Bobobekov Bakhrom Kakharovich

Researcher at Jizzakh Polytechnic Institute

**THE STRUCTURE OF THE COST OF COMMODITY AND
MATERIAL RESERVES AND THE PECULIARITIES OF THEIR**

REFLECTION IN THE FINANCIAL STATEMENTS OF THE ENTERPRISE

Annotation: the article will reflect the results of the comparison of the general rules of the president of the Republic of Uzbekistan on the implementation of Resolution No. 4611 of February 24, 2020 on the "reserves" Mhxs No. 2 and "commodity and material reserves" BHMS No. 4. The composition of the cost of commodity-material reserves, their formation, assessment is described.

Keywords: reserves, financial statements, international financial statements standards, net worth.

Кирриш. Глобаллашуви шароитида жаҳон мамлакатларида товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда товар-моддий захираларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, уларни баҳолаш, товар-моддий захираларни қиримга олиш, улардан фойдаланишни ҳисобга олиш, инвентаризатсиясини ташкил қилишни такомиллаштириш йўналишлари белгилаб берилган.

Шундай бўлсада, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захираларни тағ олиш, уларни туркумлаш, таснифлаш ва баҳолаш, товар-моддий захиралар ҳақидаги маълумотларни ҳисоботларда ёритиб бериш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозирги кунгача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Товар-моддий захиралар ҳисоби 4-сон БХМС га ва Захиралар ҳисоби 2-сон МҲХС “Захиралар” билан тартибга солинади. Бугунги кунда захираларни тан олиш, уларнинг таннархини аниқлаш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттиришга доир халқаро стандартлардаги масалаларини ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни ёритиб бериш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Бундан ташқари халқро стандартларда келтирилган атамаларни мазмун моҳиятини аниқлаштириб олишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасида 2-сон МҲХСга мувофиқ келадиган 4-сонли БҲМС “Товар-моддий захирлар” стандарти ишлаб чиқилган.

Захираларга оид атамалар тавсифи ва унинг таркиби бўйича белгиланган қоидаларни солиштириш натижаларини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз.

Товар-моддий захираларни баҳолаш бўйича халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатларни таққосланиши

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти, “Захиралар” (2-сон БҲХС)	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, “Товар-моддий захиралар” (4-сон БҲМС)
<ul style="list-style-type: none"> - таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи); - реализация қилишнинг соф қиймати 	<ul style="list-style-type: none"> - таннарх; - соф сотиш қиймати
Захиралар таннархи уларни харид қилиш, қайта ишлаш бўйича барча сарфлар ва захираларни жорий жойлашган жойига ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа сарфларни ўз ичига олиши лозим.	Товар-моддий захираларнинг таннархи - уларни харид қийматини (етказиб берувчига тўланадиган сумма) ва харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.
Соф сотиш қиймати одатдаги фаолият давомида ишлаб чиқаришни яқунлашнинг ҳисобланган сарфлари ва сотишни амалга оширишда зарур бўлган ҳисобланган сарфлар чегириб	Реализация қилишнинг соф қиймати - товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва реализация қилиш бўйича баҳоланган харажатлар

ташланган ҳисобланган сотиш нархидир.	чегирилган ҳолда жорий қиймати.
2-сон МҲХСнинг мақсади – захираларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш бўлиб ҳисобланади. Захиралар ҳисобининг асосий масаласи бўлиб актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда тааллуқли тушум тан олгунга қадар келгуси даврларга ўтказиладиган суммасини аниқлаш ҳисобланади.	4-сон БҲМС мақсади ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик шахсга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаш ҳисобланади.
2-сон МҲХСлари қуйидаги захираларга нисбатан қўлланилмайди: (а) пудрат шартномаси бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш; (б) молиявий инструментлар; (с) қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ биологик активлар.	4-сон БҲМС қоидалари пудрат қурилиши бўйича тугалланмаган ишлар, шу жумладан улар билан боғлиқ хизматлар бўйича контрактлар ва молиявий дастакларни ҳисобга олиш қоидаларига нисбатан қўлланилмайди.
Захиралар ўз ичига олади: 1) қайта сотиш учун харид қилинган ва сақланаётган товарлар; 2) тайёр маҳсулотлар; 3) тугалланмаган ишлаб чиқариш; 4) ишлаб чиқаришда	Товар-моддий захиралар ўз ичига олади: 1) хомашё ва материаллар, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар,

<p>фойдаланиш учун хом- ашё ва материаллар; сотилиши тан олингунга қадар сервис компаниялари хизмати таннархи.</p>	<p>инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар; 2) боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар; 3) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар.</p>
--	--

Захиралар таннархи билан боғлиқ тушунчаларнинг халқаро ва миллий стандартларда акс эттирилишини қуйидаги жадвалда акс эттирилади:

Амалдаги 2-сон “Захиралар” МҲХС ва 4-сон “Товар-моддий захиралар” БХМС ларидаги захиралар таннархини белгиловчи қоидаларни таққослаш

<p>2-сон “Захиралар” МҲХС бўйича</p>	<p>4-сон “Товар-моддий захиралар” БХМС бўйича</p>
<p>Захиралар таннархи:</p> <p>1. Захираларнинг хариди билан боғлиқ барча харажатлар (cost of purchase);</p> <p>2. Қайта ишлаш (cost of conversion);</p> <p>Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа</p>	<p>Захиралар таннархи:</p> <p>1. Харид қилинган товар-моддий захиралар таннархи</p> <p>1.1. Харид қиймати;</p> <p>1.2. Харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;</p> <p>1.3. ТМЗларга қўшимча ишлов бериш ва уларни</p>

устама харажатлари	фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар; Ташкилотда ишлаб чиқарилган ТМЗлар таннархи
<p>Захираларнинг хариди билан боғлиқ барча харажатлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Захираларнинг харид нархи 2. Импорт пошлинаси ва бошқа солиқлар (солиқ органлари томонидан компанияга қайтариладиган солиқлардан ташқари) 3. Транспорт харажатлари 4. Ишлов бериш ва объектнинг хариди билан боғлиқ бошқа харажатлар Айирилади: 5. Савдо чегирмалари, қопламалар ва бошқа шунга ўхшаш моддалар 	<p>Харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> а) божхона божлари ва йиғимлари; б) солиқ ва йиғимлар суммалари; в) таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи; г) ТМЗларни сертификатлаш ва техник шартларга мувофиқ синаш харажатлари; д) ТМЗларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлаштириш ёки фойдаланиш жойига етказиш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари; е) бошқа харажатлар;
<p>Қайта ишлаш харажатлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари; 2. Устама ишлаб чиқариш 	<p>Ташкилотда ишлаб чиқарилган ТМЗлар таннархи:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари;

<p>(production overhead) харажатлари:</p> <p>2.1. билвосита материал ва билвосита меҳнат харажатларини;</p> <p>2.2. ишлаб чиқариш бинолари ва асбоб- ускуналарини тутиб туриш ва амортизация харажатлари;</p> <p>ишлаб чиқариш менежменти ва маъмурияти харажатлари</p>	<p>2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;</p> <p>3. Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;</p> <p>Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар</p>
---	---

Бошқа устама харажатлар (other overhead) товар-моддий захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ уларни ҳам маҳсулот таннархига киритиш қабул қилинган. Бундай харажатларга захираларни жорий жойига келтириш билан боғлиқ меҳнат ҳақи ва транспорт харажатларини киритиш мумкин.

Бундай харажатларни стандарт талабларига мувофиқ захиралар таннархига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Умуман олганда Таннарх деганда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар кўрсатиш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодаси десак муболаға бўлмайди. Маҳсулот таннархи деганда корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларининг пулдаги ифодаси эканлиги деб биланман.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10 ноябрдаги 61-сон буйруғига амалиётга жорий этилган 2-сон “Захиралар” номли БҲХСда “Захиралар таннархи уларни харид қилиш,

қайта ишлаш бўйича барча сарфлар ва захираларни жорий жойлашган жойига ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа сарфларни ўз ичига олиши” белгиланган.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, захиралар таннархи захираларни қайта ишлаш таннархи ва плюс бошқа устама харажатлари йиғиндисидан иборатдир.

Аввалом бор корхона ташкилотларда товар-моддий захираларни гуруҳланиши ташкилотда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керакли ахборотларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Молиявий ҳисоботда захиралар тўғрисида маълумотларнинг тўлиқ очиб берилиши бухгалтерия ахборотларининг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Хулоса. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида захираларни тан олиш вақти активни ўтган воқеалар натижасида ташкилот томонидан назорат қилинувчи ресурс сифатида умумий тушунишга таяниб, ундан иқтисодий наф олиниши муносабати билан захиралар ҳисобида улар устидан назорат ўрнатиш ва иқтисодий фойда олиш имконияти бўйича тан олиниши керак. Товармоддий захиралар бўйича операциялар хусусиятларининг моҳияти ва мазмуни уларни турли белгилар бўйича таснифлаш, баҳолаш ва ахборотни очиб беришга ёрдам беради. Товар моддий захираларни баҳолашда ривожланган европа мамлакатларининг илғор тажрибаларининг қўлланилиши товармоддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги № 4611-сонли қарори.
2. 2-сон “Захиралар” номли МҲХС.
3. 4-сон “Товар-моддий захирлар” номли БХМС

4. Ташназаров С.Н. (2017) Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.
5. Очилов И., Ризаев Н., М.Калонов. Бухалтерия ҳисоби. Дарслик 2022 й.
6. Ризаев Н.К, Баракаев О.О. (2022) Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС ҳужжатлари) бўйича янги матн қўлланилмоқда. “Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш”. Халқаро илмий – амалий конф мат. тўплами., ТМИ